

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПГАН ЎОРТ

Қадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гурӯҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиласидиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат ва жамият неъматларини, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим. Табиат ва жамият бойликлари, ҳодисаларини қадриятлар сирасига киритилишнинг асосий сабаби-кишилар уларни қадрлайдилар, авайлаб-асрайдилар, чунки, бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини, маънавий – руҳий дунёсини бойитади, яратувчанлик фаолиятига йўллади.

Миллий қадриятларни тикланиши –

миллат тақдири ва истиқболига дахлдорлик

туйғусининг тикланишидир



Буюк
аждодларимиз
юбилейлари ва
қадимий
шаҳарларимиз
юбилей
саналарини
муносиб
нишонлаш

Миллий
қадриятларимиз

Буюк
аждодларимиз
Хотирасига
atab
ёдгорликлар ва
иншоотлар
куриш



Ватан озодлиги
учун курашларда
ҳалок
бўлганларнинг
хотирасини
абадийлаштириш

Ўзбек ва чет
тилларида Шарқ
мутафаккирларининг
нодир асарларини
нашр этиш



Халқнинг маънавий ўсиши - янги жамият қурилиши йўлида
қўйилган мақсадларга етишишнинг ҳал қилувчи омили

Бетакрор меросимизнинг тикланиши

Аждодларимизнинг
маънавий мероси



Халқ оғзаки ижоди,
Қадимий ёзма манбалар

Урф-одат, анъана,
маросим ва миллий байрамлар

Ислом дини

Илм-фан, адабиёт ва санъат

Миллий маънавий мерос, қадриятлар таркиби

тариҳий мерос ва тариҳий хотира;
маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, қадимий
қўлёзмалар;
илему-фан ютуқлари ва фалсафий тафаккур
дурданалари;
санъат ва миллий адабиёт асарлари;
ахлоқий фазилатлар;
диний қадриятлар;
урф-одат, анъана ва маросимлар;
маърифат, таълим-тарбия ва ҳоказолар.

Ўзбек миллий қадриятларининг миллат ҳаётида намоён бўлиши

- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;
- каттага - ҳурмат, кичикка - иззат;
- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи - аёл зотига эҳтиром;
- сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;
- ҳалоллик, меҳр-оқибат, муруват, андиша, ор-номус, шарму-ҳаё, ибо-иффат, бағрикенглик, меҳмондўстлик ва ҳоказо
- ҳалқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги;
- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;
- ота-она, маҳалла-куй, умуман жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;

2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди



Маълумки, 1937-1953 йилларда собиқ СССР ҳудудида мудҳиш оммавий сиёсий қатағонлар амалга оширилган эди. Унинг салбий оқибатларини ўзимизга тасаввур этиш учун биргина Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя.



Ўзбек халқининг энг қадимий давларидан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб қадриятларидан бири ота-оналинг фарзандлар томонидан юксак даражада Эъзозланиши, иззат-икромини, ҳурматини жойига қўйишдан иборатdir.

Фарзанд учун дунёда ота-онадан кўра мөхрибон, азиз ва мўътабар зот йўқ. Ота-она – фарзандларнинг суюнчиғи, битмас-туғанмас бойлиги. Ота-онани қадрлаш, уларнинг беўлчов, beminnat хизматига бир умр содик бўлиш, дуоларини олиш – болаларнинг фарзандлик бурчидир. Бу миллий қадриятларимизнинг энг муҳим талабларидан биридир.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни – Конституцияда фарзандларнинг жамият, оила, ота-оналари олдидаги инсоний бурчлари ва масъулиятлари нималардан иборатлиги миллий қадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидаларга асосланиб белгилаб берилган. Унинг 66-моддасида қайд қилинишича, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари хақида ғамхўрлик қилишга мажбур.



Халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳақиқатни англаб етишига эришиш учун, авваламбор, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, юксалтириш, онгини миллий ғоя, унинг фалсафий-тарихий илдизлари тўғрисидаги билимларни сингдириш орқали бойитиш зарур.

И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, “*Табаррук заминимизнинг қадрига етиши учун биринчи навбатда шу юртда яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, уларнинг бу борадаги ибратли анъаналарини янги босқичда давом эттиришишимиз керак*”.

Ўз юрти, унинг келажаги, элининг маънавияти, хусусан, унинг иймон-эътиқоди, илмий салоҳиятини ўйлаб иш қилган аждодларимизнинг кўпи ўз фаолиятларини мураккаб мафкуравий шароитда амалга оширганлар ва шунинг учун ҳам улар жасорат кўрсатган инсонлар қаторида тилга олинади. Маънавий жасоратни тушуниб етиш инсон ҳаётининг муҳим кирраси эканлигини, ўз аҳамиятига, қадр-қимматига кўра моддий асосидан кам эмаслигини англашни тақозо этади.


Заминимиздан етишиб чиққан буюк алломаларимизнинг ибратли ҳаёти ва илмий фаолияти, муҳим кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Хусусан, **Ал-Хоразмийнинг** математикада янги йўналиш – алгебрани яратиши илм-фан ривожида муҳим ўрин эгаллаганини яхши биламиз.

Она юртимиз тарихидаги улуғ зотлардан бири, мүғул босқинчилариға қарши 11 йил давомида мардонавор курашган, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган Жалолиддин Мангубердидир. Жалолиддин оғир бир пайтда, янги салтанат уруш домига тортилган, мамлакатнинг катта қисми мўғуллар томонидан истило этилган, кўшин яксон этилиб, саркардаларнинг бир қисми хонлик йўлига ўтган, султон мамлакатни тақдир ҳукмига ҳавола этган, ўзаро таҳлика ва саросима ҳукм сурган бир вактда тарих сахнасида пайдо бўлди. У Ватан ва халқ эрки учун мўғулларга қарши 11 йил муттасил кураш олиб борди. 14 маротаба мўғулларга қарши от суриб, унинг 13 тасида ғолибликка қўлга олишга муваффақ бўлди.

Халқимизнинг енгилмас баҳодири – Алпомиш тимсолида биз Ватанимизни ёмон кўзлардан, балоқазолардан асрашга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат ўғлонларимиз – бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфасини кўрамиз.

Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизида шаклланиб келаётгани халқимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам – шарқона янги йил бўлмиш Наврӯз айёми мисолида, айникса, ёрқин намоён бўлади.

Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта ҳурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврӯз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.



Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва бошқа сиймолар жасорати

Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби даҳолар маънавий жасорат рамзиidlар.

Уч минг йиллик давлатчилик тарихида аждодларимизнинг она юрт озодлиги ва Ватан мустақиллиги учун курашларида бир қатор сиймоларнинг алоҳида ўрни бор. Шундай улуғ сиймолардан бири Нажмиддин Кубро ал-Хивақий (1145-1221) Урта Осиёда юзага келган кубровийлик тариқатининг асосчиси, олим ва шоир, ўз юртининг фидойи ватанпарвар кишиси бўлган.

Инсонга меҳр-муҳаббат, муруват, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, садоқат каби умуминсоний қадриятлар Нажмиддин Кубро таълимотининг ахлоқий мезонларини ташкил этган. У ўз даврининг кўзга кўринган, обрўли алломаларидан бири ҳисобланар эди.

Хоразмшоҳлар давлатида мўғул истибоди бошланиб, Урганч шаҳри ҳимоясиз қолган бир шароитда ҳалқ Ватан шарафини ҳимоя қилиш учун курашга бел боғлайди. Шаҳар мудофаасида фаол иштирок этган, ватанпарвар кучларга бош бўлган шахслардан бири Нажмиддин Кубродир.

“Ё Ватан, ё шарофатли ўлим” деган ғояни ўзига шиор қилиб олган буюк сиймо, мўғулларнинг шаҳарни тарк этиши ва таслим бўлиши тўғрисидаги таклифини қатъиян рад этиб, ўзининг шогирдлари, сафдошлари ва қолган аҳоли билан шаҳар ички мудофаасида иштирок этади. Нажмиддин

Кубронинг чақириғига мувофиқ шаҳарликлар ҳар бир қарич ерни қаҳрамонона тарзда, бир томчи қонлари қолгунча ҳимоя қиладилар.



Энг қадимги битиклар

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб,


буғунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёsat, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, дехқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир.

Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган

бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам

Хоразм воҳаси худудида яратилган, «Авесто» деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади.



Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий, ижтимоий-сийёсий воқеаларга доир маълумотлар

1. Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арzon уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (26.11.2018)
2. Қимматбаҳо металлар олтин изловчилар усулида қазиб олинади (27.11.2018)
3. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида (29.11.2018)
4. Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида (29.11.2018)
5. Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш тўғрисида (30.11.2018)
6. Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (30.11.2018)
7. Алохидаги турдаги товарларни маркировкалашнинг замонавий усулларини жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида (01.12.2018)

Президент Қарорлари қабул қилинди

Пан Ги Мун: Ўзбекистонга яна келганимдан мамнуунман



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 ноябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби, бугунги кунда Яшил тараққиёт глобал институти ассамблеяси ва Халқаро олимпия қўмитасининг Этика бўйича комиссиясига раҳбарлик қилаётган Пан Ги Мунни қабул қилди.

Пан Ги Мун Нукусда бўлиб ўтган Оролбўйи худудида экологик вазиятни яхшилаш масалалари ҳамда бу жараёнда корейс диаспорасининг ролига бағишлиланган халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, унинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жумладан, замонавий глобал таҳдид ва хатарларга қарши қурашишда жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишдаги катта хизматларини алоҳида таъкидлади.

Пан Ги Муннинг халқаро ҳамжамият эътиборини Орол фожиасининг салбий оқибатларини бартараф этиш масалаларига қаратишга қўшган шахсий ҳиссаси юксак баҳоланди.

БМТ Бош котиби лавозимида у Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш борасидаги ташаббус ва таклифларини фаол қўллаб-қувватлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Куролли Кучлар Баш Кўмандони Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Чирчик дала ўқув майдонида юкори даражадаги жанговор шайликка келтирилган бўлинмаларнинг маҳсус-тактик машқларини кузатди. Машғулот шартларига қўра, мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, иқтисодиёт тармоқлари, ўта муҳим объектлар, ахолининг оммавий йиғилиш жойларида қўпорувчилик акллари содир этиш ҳамда шаҳарлар ва аҳоли яашаш пунктларида оммавий тартибузарликлар келтириб чиқаришни мақсад қилган, давлат чегарасига яқин ҳаракатланаётган шартли душманни аниқлаш ва яксон қилиш машқларида ҳаво-десантчилари, артиллеристлар, мото-ўқчилар, танкчилар, маҳсус операция кучлари ҳамда Ҳарбий-ҳаво кучлари бўлинмалари қатнашди.




Мудофаа тизимидағи
ислоҳотларлардан мақсад
мамлакатимиз хавфсизлиги
ва халқимиз тинчлигини
таъминлашдир

Шавкат Мирзиёев: “Туристларни тарихимиз ва қадриятларимиз билан жалб қилишимиз мумкин”



Президент Шавкат Мирзиёев Хива темир йўл вокзали билан «Ичан-қалъа» мажмуаси ўртасида барпо этилаётган хиёбонни кўздан кечирди. Президент шу ерда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш, Хива шаҳрининг тарихий қисмини батафсил режалаштиришга оид лойиҳалар билан танишди.

Уларда мамлакатимизда халқаро бренддаги меҳмонхоналар бунёд этиш, савдо ва сервисни кенгайтиришга қаратилган режалар тақдим этилди. Шавкат Мирзиёев хорижлик ишбилиармонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг инвестиция таклифлари бўйича кўрсатмалар берди. «Ўзи бизнес нима дегани? Манфаат дегани. Ўзбекистонда туризм жуда манфаатли, истиқболли соҳа. Шунинг учун бу соҳага тадбиркорларни, инвесторларни кўпроқ жалб этиб, уларга «яшил йўлак» қилиб бериш керак», - деган давлат раҳбари. Хива яқинида кўп қаватли уйлар қуриб, шаҳарнинг тарихий қисмida яшаётган аҳолини босқичма-босқич кўчириш, қалъа ичидағи уйларни сайёҳлик обьектларига айлантириш зарурлиги таъкидланди.



Иқтисодиётни инновацияларни кенг жалб этган холда ҳар томонлама ривожлантириш – халқ фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили



Давлатимиз раҳбари Хоразмга ташрифлари чоғида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш, ижтимоий объектлар барпо этиш ва инфратузилмани яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берган эди.

Ўтган даврда ҳудудда қўплаб янги корхоналар, кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим ва бошқа соҳаларда истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Йирик корхоналар, уй-жойлар, таълим муассасалари, ижтимоий-маданий объектлар қурилди. Яна қўплаб лойиҳалар бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Президентимиз вилоятга бу галги сафарини Шовот туманидан бошлади.

Давлатимиз раҳбари бундан икки йил муқаддам "Uztex" компаниялар гуруҳига Шовот туманининг чекка ҳудудида юқори технологик имкониятларга эга тўқимачилик корхонаси ташкил этиш ва маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берган эди.

Шу вақт ичida илгари мавжуд бўлган корхона негизида илгор технологиялар билан жиҳозланган, мингдан ортиқ иш ўрнига эга қўшма корхона ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари бундан икки йил муқаддам "Uztex" компаниялар гурухига Шовот туманининг чекка ҳудудида юқори технологик имкониятларга эга тўқимачилик корхонаси ташкил этиш ва маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берган эди.

Шу вақт ичидаги мавжуд бўлган корхона негизида илгор технологиялар билан жиҳозланган, мингдан ортиқ иш ўрнига эга қўшма корхона ишга туширилди.

Қиймати 65 миллион доллар бўлган лойиханинг дастлабки босқичида Италиянинг “Лонати” компаниясида ишлаб чиқарилган 528 та, жорий йилда яна 512 та пайпоқ тўқиши дастгоҳи харид қилинди. Йилига 30 миллион долларлик 70 миллион жуфт пайпоқ тайёрлаш қувватига эга қўшма корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ инновацион технологиялар асосида бошқарилади.

Ўтган йили корхонада 5,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички бозорга йўналтирилди. Жорий йилдан тўла қувват билан ишлай бошлаган корхонада октябрь ойи ҳолатига кўра 12,5 миллион жуфт пайпоқ тўқилди. 3,85 миллион долларлик маҳсулот АҚШ, Россия, Молдова, Украина каби қатор мамлакатларга экспорт қилинди.

Иқтисодиётимизга инвестиция киритиш, ички ва ташки бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича берган топшириқларимиз туфайли бугун тадбиркорлардан қўрқув йўқолди. Корхона очаман, иш ўрни яратаман, деганга ҳеч қандай тўсиқ йўқ, бизнес учун барча кафолатлар яратилган. Бундан хорижий ҳамкорлар ҳам манфаатдор бўлиб, экспортга ҳисса қўшмоқда, деди давлатимиз раҳбари. Шу ерда Хоразм вилоятида тўқимачилик саноатини ривожлантириш, “Dererlop Textile” МЧЖ томонидан “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида енгил саноат мажмуаси ташкил этиш, Шовот туманида аралаш ва пахта ип-калава ишлаб чиқариш бўйича янги йигириув фабрикаси қуриш, Урганч шаҳрида “Textile finanse Норезм” МЧЖ томонидан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Заркент санаторийисини барпо этиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари енгил саноат тармоғини жадал ривожлантириш, маҳсулот экспортини кенгайтириш, қўшимча даромад манбалари ва иш жойини кўпайтириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

ЭТЬИБОРИНГИЗ
учун
ТАШАККУР!